

# **Обод бўлаётган манзиллар сони ортмоқда**



Термиз туманидаги “Бунёдкор” маҳалласининг айрим худудлари янгидан ташкил этилган аҳоли яшаш пунктлари хиссасига тӯғри келади. Худудни аҳоли учун қулай инфратузилма билан таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом этирилмоқда.

Куни кечада “Бунёдкор” маҳалласи ички йўлларининг бир қисмида цемент-бетон қопламаси ётқизиш ишлари амалга оширилди. Бугун ушбу йўл бўйлаб цемент-бетон қопламали пиёдалар йўлаги барпо этилди.

Аҳоли учун қулайликлар яратилиши, ёзда чанг, қишда лой йўллар ўрнида текис равон йўллар ташкил этилаётганлиги “Инсон қадри учун” тамойилининг амалдаги ифодасидир.